

# Yoshlar bandligi dasturi

“ТАСДИҚЛАЙМАН”  
ФА Бош илмий котиби

Г.А.Бахадиров

« 22 » май 2023 йил

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 11-апрел куни “Ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар натижадорлигини ошириш ҳамда улар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари” юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 18-сонли баёни ижроси юзасидан  
Фанлар академиясининг Ёшлар бандлиги дастури

№	Дастур номлари	Маъсул ижрочилар	Бажариш муддати
1.	Олий таълимдан кейинги таълимнинг тайёрлов босқичи бўлган стажер-тадқиқотчилик институтида 2020-2022 йиллар давомида ҳар йили 100 нафардан магистратурани битирган ёшлар бир йил давомида таҳсил олдилар. 2023 йилда эса 150 нафар магистратурани битирганлар ушбу институтда таҳсил олишмоқда. <b>Йилма-йил стажер-тадқиқотчилик институтига қабул қилиш квоталарини ошириб бориш.</b>	Д.Д.Тураева, Стажер-тадқиқотчилик институти мавжуд ташкилот раҳбарлари	2023 йил сентябрига қадар, 2024 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь ойида
2.	Тажрибадан келиб чиқиб, стажер-тадқиқотчилик институтига ажратилган <b>бир йиллик муддат</b> давомида илмий-тадқиқот услубларини эгаллаш, тажриба ўтказиш техникасини ўзлаштириш, мутахассислик бўйича илмий-назарий билимлар ва энг янги ютуқларни ўрганиш каби фан оламига киришнинг дастлабки жараёнларини ўзлаштириш ва сифатли натижаларга эришиш мушкул бўлмоқда. <b>Шу муносабат билан Фанлар академиси тасрруфидаги стажер-тадқиқотчиларнинг ўқиш муддатини амалдаги бир йилдан икки йилга ошириш</b>	Д.Д.Тураева, Стажер-тадқиқотчилик институти мавжуд ташкилот раҳбарлари	2024 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь ойида